

Ҳимоя – шарафли бурч

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш ва уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, ёшлар билан «Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» деган умумий ғоя остида тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Республика Маънавият ва маърифат маркази Юнусобод тумани бўлинмаси билан ҳамкорликда ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаси профессор-ўқитувчилари таълим муассасаларига ташриф буюриб, у ердаги ёшлар билан давра суҳбати олиб бордилар.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ташкил этилган давра суҳбатида ҳарбий кафедра ўқитувчилари резервдаги подполковниклар Жураев Луқмонжон Исмоилжонович ва Наврузов Раҳмат Маҳмудович ҳамда ҳарбий кафедра махсус тайёргарлик цикл талабалари Маҳмудов Азизхўжа Акрам-ўғли, Исабаев Нурсултон Касимбекович, Мусаев Толибжон Алиакбар-ўғли талабалар қатнашдилар. Ушбу коллеж директори Хайитбаев Нусрат Саъдуллаевич давра суҳбатида қатнашувчиларни ёшларга таништирганидан кейин тадбир бошланди. Резервдаги подполковник Р.М. Наврузов ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида бўлаётган ислохотлар ва ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти ва уларнинг хизмат давомида кўрсатган Мардлик ва жасорати ҳақида маълумотлар берди.



**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
ҳарбий кафедраси бошлиғи подполковник Р. Минлишев ахбороти**

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов